

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 16 июнь • №23 (1407)

•“Донор бўлинг ва ҳаётни сақлаб қолинг!”•

ИНСОНГА ҲАЁТ БАХШ

ЭТИШДАН ОРТИҚ БАХТ БОРМИКАН?

Донорларимиздан бири шундай деган экан. “Бир муҳтожнинг қалбига йўл топа билган инсон, Қабага йўл топиб борганинг савобидан минг карра кўпроғига эга бўлибди”. Ҳаётда инсон ҳар қандай тасодиф ва турли вазиятларга тўғри келади...



Шу ўринда айтиш жоизки, Президентимиз инсон саломатлиги ва кадри ҳар нарсадан устун эканлигини тақдордан устун таъкидлаб келмоқдалар. Шундай экан, мамлакатимиз тиббиёт тизимида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларининг халқимиз саломатлиги йўлидаги фаолиятлари бундан мустасно эмас. Уларнинг билим, тажриба ва маҳоратлари боис, қанчадан-қанча инсонларимизнинг қил устидаги ҳаётлари сақланиб қолади. Ҳокоридаги фикрларни мужассам қиладиган бўлсак, инсон учун энг катта бойлик бу саломатлик эканлигини ва яна чуқур англаб етамиз. Айтиб ўтганимиздек, ҳаётда ҳар қандай қутилмаган ҳодисалар, инсон саломатлигидаги жиддий ўзгаришлар, сурункали касалликларнинг асоратлари инсон ҳаётига хавф солиши табиий ҳолатдир. Албатта, бундай ҳолатлардан фориғ бўлиш учун аҳволи оғир беморга қон керак бўлади. **Хўш, шу ўринда ҳақли савол тугилади? У қон берган ким экан? Бир сўз билан айтганда у донор.** Ҳаётдан умидини узиб, ўлим чангали билан олишаётган инсон донор қони билан ҳаётга қайтади. Қаранг, бир муҳтожнинг қалбига йўл топган инсон унга узок-умр бахш этди. Албатта, биз кўплаб оилаларга қувонч улашаётган

мамлакатимиздаги донорларимиз тўғрисида илиқ фикрларни давом эттиришимиз мумкин.—Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчиманки, 2005 йил май ойида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Халқаро Ассамблеясида дунё давлатлари соғлиқни сақлаш вазирлари яқдиллик билан беғараз қон донорлигини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифни маъқуллаган эди. Шундан буён ҳар йили "14 июнь – Бутунжаҳон донорлар



қуни" сифатида кенг нишонланади. Юртимизда ҳам ушбу санага бағишланган турли тадбирлар, хайрия акциялари ўтказиш эзгу анъанага айланган.

Маълумотларга кўра, ҳар бир мамлакат ўз аҳолисининг қонга бўлган талабини қондириш учун 1000 нафар кишига донорлар сони 30 нафар ва ундан ортиқ бўлиши, қон компонентлари билан таъминлаш учун эса донорлар сони ҳар 1000 нафар кишига 10 нафар ёки аҳоли сонига нисбатан 1 фоизни ташкил этиши зарур. Ўзбекистонда эса бу рақам 5 нафарга тўғри келади. Агар мазкур кўрсаткич 10 нафарга ошса, халқимизнинг қонга бўлган талаби 100 фоизга қопланади. Агар 50 нафар одам қон топширса, нафақат талаб



сифатли қон компонентларига бўлган эҳтиёж янада ортди. Шу сабабли жорий йил март ойида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан “Қон топшир – ҳаёт инъом эт!” хайрия акцияси ўтказилди ва унда тиббиёт ходимлари биринчилардан бўлиб қон топширди. Айтиш жоизки, мамлакатимизда ўз қонини камида 40 марта, қон компонентларини 60 марта топширган кишилар фахрий донор ҳисобланади, - дейди Республика қон қуйиш маркази бош шифокори Аълонур Саидов.

Эътирофлиси шундаки, юртимизда ана шундай меҳрли ва қалби эзгуликка тўла инсонларнинг 23 нафарига 14 июнь - Бутунжаҳон донорлар куни муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишони ва бир йўла тўланадиган пул мукофотлари топширилди.

Байрам муносабати билан Республика қон қуйиш марказида мазкур санага бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Эльмира Баситханова, вазирлик мутасаддилари, соҳага ихтисослашган тиббиёт муассасалари раҳбарлари, шифокорлар ҳамда донорлар иштирок этди. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда гематология, онкология, кардиология ҳамда трансплантология йўналишлари бўйича мураккаб ва юқори технологик жарроҳлик амалиётларининг ўтказилиши

маълумот: 2020 йил юртимизда 95,5 тонна соф қон тайёрланган бўлса, бу рақам 2019 йилда 96,5 тонна, 2018 йилда эса 85,2 тонна ташкил этди. 2021 йилда эса тиббиёт муассасаларига 113 тонна сифатли қон етказиб берилди. Мамлакатимизда 18 ёшдан 60 ёшгача, вазни 50 килограммдан юқори, гемоглабин миқдори меъёрида бўлган (эркакларда 128 г/л, аёлларда 120 г/л) ҳар бир шахс донор бўлиши ва йилига 4 марта қон топшириши мумкин. Ҳар бир топширилган қоннинг максимал миқдори 450 миллилитрга тенг. Маълумки, кейинги йилларда юртимизда ноёб юрак операциялари, инсон тана аъзоларини кўчириб ўтказиш каби мураккаб жарроҳлик амалиётларининг йўлга қўйилиши ҳамда хавfli касалликлар диагностикасининг яхшиланиши сабабли

қондирилади, балки қон плазмасини қайта ишлаш орқали альбумин, иммунглобулин каби дори препаратлари тайёрлаш мумкин. Шу ўринда қисқача

Давоми 2-бетда →

•“Донор бўлинг ва ҳаётни сақлаб қолинг!”•

ИНСОНГА ҲАЁТ БАХШ ЭТИШДАН ОРТИҚ БАХТ БОРМИКАН?

Давоми. Боши 2-бетда

сифатли қон компонентларига бўлган эҳтиёжнинг янада ортишига сабаб бўлмоқда, – дейди Эльмира Баситханова. – Бу эса ўз-ўзидан аҳоли орасида бегараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш ва уни кенг тарғиб этишни тақозо этади. Энг асосийси, тиббиёт ходимлари бу йўлда барчага намуна, фаол ва ташаббускор бўлиши лозим. Бугунги тадбирда Соғлиқни сақлаш вазири буйруғи билан фахрий донорларга “Ўзбекистон

Республикаси фахрий донори” кўкрак нишонларини тантанали равишда топширганлигим, бу албатта, уларга бўлган эътибор ва ҳурматимиз рамзи деб биламан..

Ҳар йилги анъанага кўра, “14 июнь – Бутунжаҳон донорлар куни” муносабати билан Тошкент шаҳар “Қон препаратлари” илмий ишлаб чиқариш корхонамизда ҳам тадбир бўлиб ўтди. Хабарингиз борки, жорий йилнинг апрель ойида мамлакатимиз бўйлаб “Қон топшир – ҳаёт

иньом эт!” акцияси бўлиб ўтган эди. Корхонамизнинг сайёр гуруҳи томонидан режа асосида белгилаб олинган саналарда кўплаб идора ва ташкилот ходимлари ўз ихтиёрлари билан қон топширишди. Жумладан, Чилонзор тумани Давлат божхона қўмитаси божхона институтининг 130 нафардан ортик курсантлари ва офицерлари, Учтепа тумани фавкулотда вазиятлар бўлими ходимлари, Учтепа тумани 24-сонли, Юнусобод тумани 52-сонли, Чилонзор тумани 37-сонли оилавий поликлиникалар ҳудудида истикомат қилувчи 90 нафардан ортик аҳоли ва ходимлари, Адолат социал демократик партияси аъзолари, Юнусобод тумани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ходимлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг 50 нафардан ортик ходимлари донор сифатида қон



топшириб, қон захирасини тўлдиришда, донорлик ҳаракатини ривожлантиришда, оғир беморларга ёрдам беришда ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Бугунги байрам муносабати билан корхонамизда ушбу кунгача ўз қонини ихтиёр равишда камида 40 марта, қон компонентларини 60 марта топширган 10 нафар фаол фахрий

донорларга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан “Ўзбекистон Республикаси Фахрий донори” кўкрак нишони ва бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тақдим этдим, дейди “Қон препаратлари” илмий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари тиббиёт фанлари доктори Зухра Убайдуллаева.

Хулоса ўрнида айтиши жоизки, халқимиз саломатлиги йўлида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган донорларимизга узоқ-умр ва оилавий хотиржамлик тилаб қоламиз.



ҚОН – БЕБАҲО НЕЪМАТ, УНИНГ БИР

ТОМЧИСИ ҲАМ БЕМОРГА ҲАЁТ БАХШ ЭТАДИ

Маълумки, ҳар йили 14 июнь - Бутунжаҳон донорлар куни” сифатида кенг нишонланади. Мазкур сана халқимиз саломатлиги учун муҳим мезони ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда донор сўзининг ўзи инсонга умид бахш этади. Унинг қони билан соғлиги қил устида турган бемор ҳаётга қайтади.



Шундай экан, ушбу сана муносабати билан мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида тадбирлар бўлиб ўтди. Жумладан, Бухоро вилоят қон қуйиш марказида фаол ва фахрий донорлар иштирокида байрам бўлиб ўтди. Тадбирни Бухоро вилоят қон қуйиш маркази директори Нодир Тўраев кириш сўзи билан очиб, донорларни халқаро сана билан табриклади, уларга инсон ҳаёти учун сув билан ҳаводай зарур бўлган қон топширувчи кўнгиллилар бўлганликларини учун ўз миннатдорлигини билдирди. Шундан сўнг бир гуруҳ донорларга ташак-

курномалар ва эсдалик совғалари тарқатилди. Тадбирда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан мутахассиси Маъмурахон Сафоева иштирок этди ва 40 мартадан ортик қон топширган олийҳиммат донор Ахтам Шариповга Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғига асосан, “Ўзбекистон Республикаси Фахрий донор” кўкрак нишонини тантанали равишда топширди.

– Таъкидлашим муҳимки, сўнгги йилларда юртимизда ноёб юрак операциялари, инсон тана аъзоларини кўчириб ўтказиш каби мураккаб жар-

роҳлик амалиётларининг йўлга қўйилиши ҳамда хавфли касалликлар диагностикасининг яхшилланиши сабабли сифатли қон компонентларига бўлган эҳтиёж янада ортиб бормоқда. Мамлакатимизда ўз қонини камида 40 марта, қон компонентларини 60 марта топширган кишилар фахрий донор ҳисобланади. Албатта, Давлатимиз раҳбарининг эътибори туфайли қалби эзгуликка йўғрилган ва



беморларга нажот бахш этаётган донорларимизнинг бегараз ёрдамлари қўллаб-қувватланмоқда. “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишони таъсис этилди. Қувонарлиси шундаки, Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғига асосан тадбир санасида мамлакатимиз миқёсида 23 нафар фахрий донорлар “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишони ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирланди, шу жумладан, вилоятимизда ҳам



бир нафар фахрий доноримиз борлиги бизни мамнун этди, – дейди Маъмурахон Сафоева. – Бемор ўз саломатлиги учун муҳтож бўлганда унга ёрдам қўлини чўзиш халқимизга хос фазилатдир. Мана бир неча йилдирки, донор сифатида ихтиёр равишда қон топшираман. Яшаидан умидини узиб, дард олдида нажот излаб тур-

ган инсонларга ўз қоним билан ҳаёт бахш этганимдан фахрланаман. Мана бугун фахрий донор сифатида давлатимиз томонидан “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишони билан тақдирландим. Албатта, донорлик фаолиятимни давом эттириб, инсонларга умид бахш этишда ўз ҳиссамни қўшаман, – дейди фахрий донор Ахтам Шарипов.

Ана шундай муҳим сана доирасида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали ходимлари ҳам ушбу эзгу ишда фаол иштирок этиб, бегараз донор сифатида қон топширдилар. Бугунги кунда филиалнинг шаҳар ва туманлар субфилиалларининг юзлаб ходимлари, соҳада меҳнат қилаётган шифокор ва ҳамширалар кўнгилли равишда ушбу акцияда фаол иштирок этмоқдалар.

Қон – бебаҳо неъмат, унинг бир томчиси бемор инсонни ҳаётга қайтариши мумкин, Шу сабабли бегараз донорлик орқали қонга муҳтож бўлган кишиларга қўмак бериш одабийликнинг энг юксак намунасидир.

●Хотира уйгонса гўзал●

УМР ЙЎЛИНИНГ ИБРАТЛИ МЕЗОНИ



Устознинг ҳеч қайси замонада эскирмайдиган ўғитлари: “Сенга бирор-бир топшириқ ёки вазифа ишониб юклатилганда, уни ўрнига қўйиб, сидқидилдан бажаришинг ва бу ишни охирига етказишинг керак”; “Сенга турли муносабатлар билан қозғоғдаги хулосаларни тақдим этишса, уларга ишониб “ҳаммаси жойида экан”, деб бепарво бўлма, ўзинг кўриб-билган ҳақиқатларга ишон”, “Таҳлил ва ўрганиш ишининг асосий қисми бўлсин”.

Қамариддин Нажимутдинов 1931 йил 26 февралда Тошкент шаҳрида, зиёли оилада туғилган. 1949 йилда ўрта мактабни олтин медаль билан тугатгач, Тошкент тиббиёт академияси (собиқ Тошкент тиббиёт институти) нинг даволаш факультетига ўқишга кирди. Барча йиллар давомида фақат аъло баҳоларга ўқиди ва институтни 1956 йилда имтиёзли диплом билан муваффақиятли тугатди. Институт Илмий Кенгаши Қамариддин Нажимутдиновга аспирантурани давом эттиришни тавсия қилди, аммо у ўзлаштирилмаган чўл ерларга ёш мутахассис сифатида ишга борди. Мирзачўлда дашт ерларни ўзлаштиришнинг оғир йилларида инсонлар саломатлигини сақлаш ва касалликлар профилактикасида эришган ютуқлари учун у халқнинг хурматига сазовор бўлди ва “Соғлиқни сақлаш аълочилиги” кўкрак нишони билан тақдирланди. 1962 йил декабрда ёш иқтидорли, етук мутахассис Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ўсимликлар кимёси илмий-тадқиқот институтининг аспирантурасига ўқишга кирди ва 1966 йилда “Апогалантамин фармакологияси тўғрисида”ги номзодлик диссертациясини химоя қилди. Таъкидлаш муҳимки, Қамариддин Нажимутдиновда ўқув-тарбиявий ва педагогик фаолиятга мойиллик

Маишхур олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор Қамариддин Нажимутдинов ўзи севган касбига қанчалик масъулият билан ёндашса, фарзандлари ва шогирдлари тарбиясига худди шундай жавобгарлик билан қарар эди.

кучли эди. Шу сабабли, 1966 йилда у Тошкент тиббиёт институти фармакология кафедрасида ассистент лавозимида ишлаш бошлади. 1967 йилда у ушбу кафедранинг доценти, 1974 йилда эса фармакология ихтисослиги бўйича докторлик диссертациясини химоя қилди ва профессор унвонига сазовор бўлди. Шундай қилиб, у 16 йил давомида профессор Н. Компанцев ва И. Комилов каби таникли фармакологларнинг раҳбарлиги остида ишлади ва яхши мактабдан ўтди. 1982 йилда тиббиёт муассасаларининг ўқув дастурларига янги фан – клиник фармакология киритилди. Ўша вақтларда ушбу йўналишда мамлакатимизда тиббиёт фани гарб мамлакатларидан орқада қолган бўлиб, даволаш самарадорлигини оширишга қодир юқори малакали шифокорларни тайёрлаш учун ушбу фанни жорий этиш зарур эди. Устознинг саъй-ҳаракати билан тиббиёт таълимига клиник фармакология киритилди, шу билан бирга клиник фармакология ўқув дастурига киритилгунга қадар, 1980 йилда ички касалликлар кафедрасида махсус курс ташкил этилиб, 1982 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтида Клиник фармакология кафедраси ташкил қилинди. Кафедра мудири этиб профессор Қамариддин Нажимутдинов тайинланди. Кафедрага тажрибали фармаколог ва терапевтлар – доцентлар Н. Бабаева, Р. Усмонов, П. Кац ва бошқа ёш истеъдодли мутахассислар таклиф қилинди, кафедра учун янги Тошкент давлат тиббиёт институти клиникаси ҳудудида 60 ўринли умумий терапия бўлими база сифатида ажратилди. Кафедра зарур ўқув куроллари ва жиҳозлар билан таъминланди. Қисқа вақт ичида Клиник фармакология кафедраси институтнинг етакчи кафедраларидан бирига айланди ва илмий излашлар бошланди.

Профессор Қамариддин Нажимутдинов ўз атрофида меҳнатга лаёқатли жамоани йиғди ва Ўзбекистонда клиник фармакологлар “мактаби” ни яратди. Кафе-

драда ўқув-услубий жараённи янада такомиллаштириш билан бир қаторда клиник фармакологиянинг амалий жиҳатлари бўйича кенг илмий тадқиқотлар бошланди. Шунинг таъкидлаш лозимки, ўзбек клиник фармаколо-



Устоз ўғитларидан:

“Сенга бирор-бир топшириқ ёки вазифа ишониб юклатилганда, уни ўрнига қўйиб, сидқидилдан бажаришинг ва бу ишни охирига етказишинг керак”, “Сенга турли муносабатлар билан қозғоғдаги хулосаларни тақдим этишса, уларга ишониб “ҳаммаси жойида экан”, деб бепарво бўлма, ўзинг кўриб-билган ҳақиқатларга ишон”, “Таҳлил ва ўрганиш ишининг асосий қисми бўлсин”.

лари мактаби бир қатор илмий соҳаларда биринчилардан бўлган. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида кўплаб касалликларни даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган амалий тиббиётга янги усуллар киритилди, докторлик ва номзодлик диссертациялари химоя қилинди, ихтироларга патент олган, услубий тавсиялар берилди, кўплаб илмий мақолалар нашр этилди. Устознинг илмий излашларидаги ютуқлари ҳам улкан. Унинг шогирдлари билан биргаликда 30 йил давомида олиб борган илмий ишлари тиббиётнинг энг долзарб муаммоларидан бири – монооксигеназа ферментлар тизими (МОС)нинг фундаментал ва биокимёвий аҳамияти, унинг организм ҳаётидаги, шунингдек, турли хил касалликларнинг ривожланишидаги аҳамиятига бағишланган. У МОС нинг фундаментал асосларини ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, олинган натижаларни клиник амалиётга тадбиқ этиш билан ушбу муаммонинг амалий жиҳатларини ўрганишни бошлади ва муҳим илмий ва амалий натижаларга эришди. Кўп ўтмай, МОС муаммоси нафақат клиник фармакологлар, биокимёгарлар, патофизиологлар, балки бошқа клиник соҳа мутахассисларини ҳам қизиқтирди, шундан сўнг республикамизда МОС муаммолари бўйича Қамариддин Нажимутдинов номи билан боғлиқ мактаб пайдо бўлди. Олимнинг илмий фаолиятидаги яна бир муҳим

ютуғи МОС индукторларининг ўпкада сурфактант синтези ва секрециясига таъсир кўрсатадиган хусусиятларини аниқлашдир. МОС индукторларининг ушбу хусусияти кашф этилиши пульмонолог, акушер-гинеколог, неонатолог ва педиатрларга даволаш самарадорлигини оширишга ёрдам берди ва янги илмий тадқиқот лойиҳаларига йўл очди. Тадқиқотлар натижасида олим ва унинг шогирдлари томонидан 7 та докторлик ва 31 та номзодлик диссертациялари химоя қилинди, монографиялар, 140 дан ортик илмий ишлари нашр этилди, 15 та патент ва муаллифлик гувоҳномалари олинди, бир қанча амалий тавсиялар чоп этилди, бензоналнинг янги фармакологик хоссалари ва унинг тиббий амалиётга тадбиқ этилиши бўйича Фармакологик кўмитасининг якуний қарори қабул қилинди.

Қамариддин Нажимутдинов фаолиятининг яна бир ўзига хос қирраларидан бири бу унинг юқори ташкилотчилик қобилиятидир. Шу сабабли бўлса керак, институтда у ҳар доим энг муҳим тадбирларни амалга оширишда қатнашган. Кафедрада

жуда банд бўлишига қарамай, ўқув ва илмий ишларда у барча соҳаларда ўз вазифаларини мукамал бажара олди. Шу сабабли 1967-1971 йилларда у даволаш факультети декан муовини ва чет эллик талабалар раҳбари, 1974-1980 йилларда стоматология факультети декани, 1980-1987 йилларда даволаш факультети декани, 1990-2000 йилларда Биринчи Тошкент тиббиёт институтининг ўқув ишлари бўйича проректори лавозимларида ишлаган, 2000 йилдан институт ректорининг маслаҳатчиси этиб тайинланган. Устозимиз 20 йил давомида институтнинг ўқув-услубий ишларни назорат қилиш хайъатини бошқарган, 17 йил давомида ихтисослашган Илмий кенгашнинг раиси бўлган, бир неча бор институт қабул хайъати ишини ташкил этган. Ўз даврининг тиббиёт дарғаси Қамариддин Нажимутдинов қайси йўналишда ишлаган, у ҳар доим ишни қандай ташкил этишни билар эди, натижада унинг фаолияти нафақат кафедра ва институт, балки Республика учун ҳам жуда муҳим бўлган илм-фан ривожини, ўқув-услубий, ташкилий ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш учун ҳам муҳим натижаларга олиб келди. Профессор Қамариддин Нажимутдинов ҳамкасблари, шогирдлари, қолаверса, яқинларининг меҳр-муҳаббати ва хурматига сазовор бўлган эзгу фазилатлар инсонлардан бири эди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳаёт ва фаолият йўлини инсонлар саломатлигини сақлашдек, масъулиятли аммо шарафли ишларга бахшида этган ва шогирдлари учун катта мактаб яратган устозимиз профессор Қамариддин Нажимутдиновнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу яшайди.

Д. АКБАРОВА,

Тошкент тиббиёт академияси клиник фармакология кафедраси доценти

• Халқаро ҳамкорлик •

КАРДИОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 январдаги «Юрак қон-томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан марказ ходимларининг илмий салоҳиятини ошириш, тиббиёт соҳасидаги илғор хорижий амалиётга мос равишда уларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантириш, ходимларни нуфузли хорижий тиббиёт муассасалари ва марказлари (Германиянинг Шарите университети, Россиянинг Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлик маркази ва бошқалар)га малака ошириш ва стажировка ўташ учун юбориш, шунингдек, етакчи хорижий мутахассисларни марказга жалб этиш чораларини кўриш вазифалари белгилаб берилган.

Ушбу Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Республика (РИКИАТМ) ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази қатор хорижий етакчи кардиология марказлари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандум имзолади. Швейцариянинг Цюрих Университети ва РИКИАТМ ўртасида имзоланган шартномага асосан шу кунларда Швейцариянинг Цюрих университети Юрак-қон томир марказининг кардиожарроҳи, профессор Ахмед Оуда бошчилигидаги кардиохирурглардан иборат делегация марказимиз шифокорлари билан ҳамкорликда бир қанча мураккаб юқори технологик жарроҳлик амалиётларини ўтказмоқдалар. Мазкур делегациянинг Ўзбекистонга иккинчи ташрифи

бўлиб, унинг доирасида икки кун РИКИАТМ Қарши филиалида 4 та амалиёт ўтказилди. Марказнинг кардиожарроҳлик бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Ислоҳ Шарипов ҳамроҳлигида Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида 5 та мураккаб жарроҳлик амалиётлари бажарилди. Марказ мутахассислари билан биргаликда яна 9 та мураккаб кардиожарроҳлик амалиётларини ўтказиш режалаштирилган.

“EurAsia Heart Foundation фонди” томонидан Республика кардиология марказига умумий нархи 1 миллион долларга яқин замонавий тиббий ускуналар гуманитар ёрдам сифатида топширилди. Буларнинг ичида 3 та сунъий қон айлантириш аппарати, 1 экмо аппарати, 4 та баллон контрпульсатор машинаси,

битта ультратовуш диагностика аппарати, қатта миқдорда жарроҳлик инструментлари тақдим этилди. Швейцариянинг “Eur Asia Heart” фонди томонидан юқори технологик амалиёт ўтказиш учун етказилган тиббий асбоб ускуналар кўздан кечирилиб, амалиётда қандай қўллаш бўйича кўрсатмалар берилди. Бу ускуналарнинг бир қисми РИКИАТМнинг вилоят филиалларига топширилади.

Шу билан бирга, қарорнинг 1-илова 15.2-бандида марказда Симуляцион ўқув курсларини ташкил этиш ва унда марказ худудий филиаллари ва бошқа тиббиёт муассасаларининг мутахассисларини ўқитиш ишларини йўлга қўйиш вазифаси белгилаб берилган. Ушбу ишларни амалга ошириш мақсадида РИКИАТМ ва Американинг АБВОТ компанияси ўртасида тузилган ҳамкорлик шартномасига асосан АБВОТ компаниясининг Туркиядаги ваколатхонаси мутахассиси Ismail Evren иштирокида TAVI-аортал клапанни интервенцион усулда протезлаш бўйича “Portico – мукамал гемодинамикага эга ўз-ўзидан кенгайдиган клапан” мавзусида семинар ўтказилди. Конференция ўқув



симуляцион муляжлар ёрдамида TAVI операцияси бўйича махорат дарси шаклида амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, Республика кардиология марказини трансформация қилиш, янги замонавий, юқори технологик амалиётлар базасини янада яхшилаш, Марказ ва вилоят филиалларида ушбу даволаш усулларини амалиётга жорий қилиш орқали аҳолимизга кўрсатилаётган кардиология ва кардиожарроҳлик ёрдамини янада юқори поғоналарга олиб чиқишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалий ифодаси, десак хато бўлмайди.

ҚАРОР ИЖРОСИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Давлатимиз раҳбари томонидан юрак қон-томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирларига бағишланган қарори бугун амалиётда ўз натижасини кўрсатмоқда. Хусусан, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиаллари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар “Инсон қадри” тамойилига асосланмоқда.

Президент қарори бўйича асосий эътибор тиббиётнинг бирламчи бўғинига, шифокорларнинг билим даражасини оширишга қаратилган. Оилавий поликлиника шифокорлари, туман кардиологлари, патронаж ҳамшираларни қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитиш кўзда тутилган. Дунёнинг нуфузли тиббиёт марказларида кардиолог ва кардиожарроҳ мутахассислар малакасини ошириш бўйича Республика бюджетидан пул ажратилади ҳамда 50 дан ортиқ мутахассис Германиянинг Шарите клиникасида, Россиянинг Бакулев номи юрак жарроҳлиги марказида ўз малакаларини оширадилар. Қарорда 40 ёшдан ошган аҳолини оилавий поликлиника ва тиббиёт бригадалари орқали йилига камида бир марта манзилли

скрининг текширувларидан ўтказиш ҳамда мақсадли даволаш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Куни кеча Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида “Соғлом турмуш тарзи – саломатлик гарови” мавзусида конференция ташкил этилиб, қарор ижроси таҳлил қилинди, бу борадаги мавжуд муаммолар ва камчиликлар мутахассислар ҳамда депутатлар иштирокида муҳокама этилди. Конференцияда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, сенатор Хуршид Фозилов маъруза қилиб, аҳолига

ихтисослаштирилган кардиологик ёрдам кўрсатишининг долзарб вазифалари хусусида олиб борилаётган ишлар таҳлилига тўхталиб ўтди.

Таъкидландики, қарорда вилоят филиаллари ва туманларида “Ўткир коронар синдром, ўткир миокард инфаркти” билан муружаат қилган беморларга биринчи 12 соатда шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида туман марказий шифохоналарини тромболитик дори воситаси – “Стрептокиназа” билан таъминлаш, “Ўткир коронар синдром, ўткир миокард инфаркти” билан муружаат қилган беморларга биринчи 12 соатда шошилинч коронарография ва бирламчи стентлаш амалиётларини ўтказиш тўғрисида алоҳида банд мавжуд.

Марказнинг Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоят филиалларида реконструкция ишларини амалга ошириш, бунинг учун Давлат бюджетидан қатта миқдорда маблағ ажратилиши, Ангиограф ускунасининг ўрнатилиши кўзда тутилган. Бу ўз навбатида, вилоят-

ларда беморларга кўрсатилган юқори технологик кардиологик амалиётлар сонини 15 тадан 35 тага етказиш имконини беради, беморларга кўрсатиладиган кардиологик хизматнинг сифати оширади. Беморларнинг пойтахтга ва хорижий мамлакатларга даво излаб кетишлари сони камайдди. Қарор бўйича республикамизнинг барча туман тиббиёт бирлашмалари шифохонасига 4 хил русумдаги (ЭКГ, ЭХОКГ, ХМЭКГ, Дефибрилятор) тиббий жиҳозлар Республика бюджетни маблағлари ҳисобидан олиб берилди.

Қарорда яна бир асосий эътибор маркази фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган бир неча чора-тадбирлар келтирилган. Яқин 5 йилликда марказ фаолиятини трансформация қилиш орқали “Кўп тармоқли марказ”га айлантириш, ҳозирги

кундаги дунёнинг нуфузли марказлари даражасига етказиш, превентив кардиология, нур ёрдамида даволаш ва диагностика қилиш, иммуногенетик тадқиқотлар ўтказиш каби замонавий йўналишлар йўлга қўйилади.

Шунингдек, ёш мутахассислар малакасини нуфузли чет эл клиникаларида оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Давлатимиз томонидан ёш кадрларни чет элда қисқа ва узоқ муддатли малака оширишлари учун имкониятлар яратилмоқда. Шу йуналишдаги ишларни жадаллаштириш учун марказ дунёнинг етакчи клиникалари билан меморандумлар имзолаган. Бу борадаги барча харажатлар Республика бюджетни маблағларидан қоплаб берилди.

Учрашув сўнгисида кардиология соҳасини яқин келажакда тубдан ривожлантириш ва бу борада аҳолига малакали хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш имкониятлари ҳам муҳокама қилинди.

Ҳамидулла ТОШПЎЛАТОВ,
Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди.

● *Аёл, оила ва жамият* ●

ЭЗГУЛИК ҲАЁТИНИНГ МАЗМУНИГА АЙЛАНГАН АЁЛ

Истиқлол мамлакатимиз хотин-қизларининг жамият тараққиётида янада фаол иштирок этишларига катта имкон яратди. Бу куннинг аёли илми, иқтидори, истеъдоди ва ўзгача шиддати билан дунёни яна бир карра қойил қолдирмоқда Аёл! Унда бутун олам қувончи, дўстга хос фидойилик, она жасорати мужассам. Ҳаё, одоб, гурур, андиша деб номланган фазилатларнинг илдизи ўзбек аёлларининг қалбидадир.



Оилавий муносабатлар, фарзанд тарбияси, меҳмондўстлик, кўни-қўшни, қариндошлар орасидаги меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат буларнинг барчасини аёлларимиз доимо юқори ўринга қўйиб келган. Дарҳақиқат, бизнинг аёлларимизга хос ўзбекона фазилатлар ҳеч бир мамлакатда йўқ. Аёлнинг турли фазилатлари ичра ҳаё марваридга ўхшашдир. Бу марвариднинг кадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Биринчи Президентимиз айтганларидек, “Аёлларни ҳар қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чирроғи, умримизнинг гули деб эъвозласак, демакки, оиламизни, ватанамизни эъвозлаган бўламиз”. Бугунги кун аёли нафақат зиёли, зукко, иқтидорли бўлиши балки миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримизга содиқ инсон бўлиши даркор. Мана шу фазилатлар жамланган аёл бизнингча энг бахтли аёлдир. Жамиятда ўз ўрнига эга, ҳар доим ўз оиласи, фарзандларининг камолини кўриш истаги билан ёниб яшаётган аёлларга таҳсин айтгимиз келади. Бугунги куннинг замонавий аёллари жамиятимизда қанчадан-қанча марраларни забт этмоқда. Уларнинг шижоати, матонатини, иқтидори олдида лол бўласан киши. Қадимдан маълумки, давлат ишларида ҳам аёлларнинг ўз-ўрни ва мавқеи юқори бўлган. Бунга мисол тариқасида Бибиҳоним, Нодирабегим, Увайсийлар ёки Зулфияхоним каби улуғ зотларни яна давом эттиришимиз мумкин. Айтмоқчимизки, ҳар бир даврда ҳам аёлнинг ўз ўрни ва ўз мавқеи бор. Айниқса, мустақиллик йилларидан сўнг хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари,

жамиятда ҳам ўз ўрнига эга бўлишларига алоҳида эътибор қаратилди. Эътибор берсангиз бугунги кунда ўз ўрнига эга бўлган аёллар, нафақат ишда, оилада, фарзанд тарбияси, маҳалла, ота-оналарининг хизматларини қилишлари, уларнинг зиммаларида бир қатор юмушлар юклатилган бўлсада уларни чин дилдан, садоқат ва масъулият билан ёндошишларини кўриб таҳсин айтгимиз келади. **Мана шундай жамиятда, оилада, яқинлар даврасида ўз ўрнига эга бўла олган аёллардан бири Нигора Ашуровадир.**

Нигора Ашурова Сурхондарё вилояти, Қумқурғон туманида, шифокорлар оиласида таваллуд топган. Тумандаги С. Айний номидаги 7-сонли умумтаълим мактабни 1997 йилда тамомлаб, ўша йили Термиз давлат университетининг “Ўзбек филологияси” факультетига ўқишга кирди. 2001 йилда мазкур даргоҳни тамомлаб, таҳсилни давом эттириш мақсадида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Ўзбек филологияси” факультети “Адабиётшунослик” йўналишига магистратурага ўқишга қабул қилинди. 2003 йилда таҳсилни тамомлаб, “Адабиётшунослик” мутахассислиги бўйича магистр дипломини қўлга киритди. 2003 йилдан буён Тошкент фармацевтика институтида “Маънавият ва маърифат” бўлими услубчиси, “Тиллар кафедраси” катта ўқитувчиси ва 2018 йилдан буён Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи лавозимида фаолият олиб бормоқда. Оилали, иккин нафар фарзанднинг онаси. Қаҳрамонимиз талабалик йилларини эслар экан

“Ҳақиқатда олтинга тенг даврлар эканлигини ёдга олади. Талабалик йилларимда “Ёшлар” радиосига ишга кириб, у ерда ижод мактабиде таҳсил олгандек бўлдим. Сабаби радиода ижодкорлар, таникли ёзувчи ва шоирлар ва уларнинг ижод маҳсули билан доимий равишда танишиб, улар билан мулоқот қилиш асносида ижод лабораторияларидан баҳраманд бўлганман. Радиода муҳаррир Дилдора Мардиева устозлик қилганлар, журналистик маҳоратидан, ижод, изланиш завқидан баҳраманд этганлар. Таникли шоир Эшқобил Шукур маслаҳатлари-ю, йўл-йўриқлари ҳаётимни қайсидир маънода ўзгаришига туртки бўла олган. Уларнинг меҳнатлари олдида бошим ерга теккунча таъзим қиламан. Шунингдек, менинг шу даражага етишимда онам Тухфаниса Ашурованинг хиссалари жуда катта. Улар асли касблари шифокор, аммо устоз, мураббийлик касбига бўлган кизиқимини онам кўнглимга солганлар. Устозлик мартабаси ҳар қандай касбдан ҳам юксак эканлигини кўп бора таъкидлаганлар.” Заҳматкаш устоз-мураббийларнинг меҳнати ва тарбияси туфайли қалбларимиз покланади, дилимизда олийжаноб инсоний фазилатлар камол топади. Устозни улуғ деб билган маърифатпарвар халқимиз муаллим ва мураббий зотини ҳамиша ардоқлаб, уларнинг меҳнатини қадрлаб келади. Қаҳрамонимиз Нигора Ашурова ҳам устозлар ўғитларига амал қилганликлари, илм, изланиш инсонни эзгулик сари етаклашига яна бир бор инонди. Ҳақиқатдан ҳам киши қалбига илм ва маърифат нурларини олиб киришда, ҳаётда муносиб ўрнини топишда устозларимизнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Уларнинг меҳнатларини ҳеч бир нарса билан баҳолаб бўлмайди. Ҳаёт сўқмоқларида инсон тобланиб, сайқалланиб бораверади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзлигини йўқотмаган, ҳаёт қийинчиликларига сабр ва матонат билан тик бока олган, бувилари, момолари, болалари ўғитларини дастурмал қилиб олганлиги айни ҳақиқатдир. Жалоллиддин Румий ҳазратлари таъриф этганларидек: “Сабр шундай арқонки, сен узилди деб ўйлайсан, у борган сари мустаҳкамланади. Тугайди деб гумон қиласан, у эса кўпайиб боради...!”. Ҳар бир инсон ҳаётида турли қийинчиликларга, турмуш ташвишларининг паст-у-баландига гувоҳ бўлиш асносида, ҳаётнинг турли синовлари сизни тоблаб, сайқаллаб кўяр экан. Бундай вазиятларда инсон матонатини, сабр-қаноатини, иродасини ўтказилиши ҳам айни ҳақиқат. Қаҳрамонимиз Нигора



